

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Ўзавтосаноат” АЖ
Ягона акциядорининг
2022 йил “30” апрелдаги
4-2022-сонли қарори билан

“ЎЗАВТОСАНОАТ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
ИЖРОИЯ ОРГАНИ ТЎҒРИСИДА
Н И З О М

Тошкент шаҳар - 2022 йил

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом “Ўзавтосаноат” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - Жамият) ижроия органининг мақомини белгилайди ва унинг фаолиятини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади.

1.2. Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқариш Жамият Устави ва ушбу Низом билан белгиланадиган ижро этувчи орган - жамият бошқаруви томонидан амалга оширилади.

1.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра ижро этувчи орган ваколатлари шартнома бўйича тижорат ташкилоти (ишончли бошқарувчи)га берилиши мумкин. Агар жамият Уставида ўзгача қоида назарда тутилган бўлмаса, шартнома шартлари Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

1.4. Мазкур Низом “Акцидорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2021 йил 29 мартдаги 166-сон қарори ҳамда амалдаги бошқа қонунчилик ҳужжатлари ва Жамият Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

II. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИ САЙЛАШ (ТАЙИНЛАШ) ВА ВАКОЛАТЛАРИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ

2.1. Жамият бошқаруви акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади (тайинланади). Бунда, жамият бошқаруви сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига **икки** муддатдан ортиқ жамият бошқаруви бўлиши мумкин эмас.

2.2. Жамият бошқарувини сайлаш тартиби Жамият Уставида белгиланади. Жамият бошқарувини сайлаш қоида тариқасида, хорижий менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида амалга оширилади.

2.3. Жамият бошқаруви лавозимига танлов ўтказиш тартиби, номзодга кўйиладиган талаблар Жамият Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

2.4. Жамият бошқарувини сайлаш (тайинлаш) тўғрисидаги акциядорлар умумий йиғилишининг қарори йиғилишда қатнашаётган жамиятнинг овоз берувчи акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

2.5. Жамият бошқаруви лавозимига номзодлар ўзларининг номзодлари кўриб чиқилаётганда акциядорлар умумий йиғилишида қатнашишлари мумкин.

2.6. Жамият бошқаруви лавозимига номзод сайлангандан (тайинлангандан) кейин кузатув кенгаши у билан 3 (уч) йил муддатга шартнома тузади, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилиниши мумкин. Шартнома жамият номидан кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамият бошқаруви билан тузиладиган

шартномада унинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

2.7. Жамият бошқарувига тўланадиган ҳақ миқдори жамият фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларини бажарилиши билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланади. Бунда, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона рағбатлантириш сиёсати асосида ойлик иш ҳақи ва йил якунлари бўйича бир йўла тўланадиган мукофот тўловлари миқдори кузатув кенгаши томонидан белгиланади. Кузатув кенгаши томонидан белгиланган тўловлар миқдоридан ташқари ҳар қандай кўшимча тўлов турлари таъқиқланади.

2.8. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамият Кузатув кенгаши, агар жамият уставига мувофиқ унга бундай ҳуқуқ берилган бўлса, жамият бошқаруви билан тузилган шартномани, агар у ушбу шартнома шартларини, жамият уставини кўпол равишда бузса ёки унинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) билан жамиятга зарар етказса, у билан тузилган шартномани муддатидан аввал бекор қилиш ҳуқуқига эга.

2.9. Жамият томонидан солиқлар ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига бошқа тўловлар, давлат мақсадли фондлари, иш ҳақи ва дивидендлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик ҳосил бўлганда, шунингдек, кетма-кет икки чорак мобайнида бизнес-режанинг асосий параметрлари бажарилмаган тақдирда, жамият бошқаруви билан меҳнат муносабатларини давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масала Жамият Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

2.10. Акциядорлар умумий йиғилишининг жамият бошқаруви билан тузилган шартномани бекор қилиш ёки муддатидан аввал бекор қилиш тўғрисидаги қарори йиғилишда қатнашаётган жамиятнинг овоз берувчи акциядорларнинг - акциялар эгаларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

2.11. Кузатув кенгашининг жамият бошқаруви билан тузилган шартномани муддатидан аввал бекор қилиш тўғрисидаги қарори мажлисда иштирок этаётган кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

2.12. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамият кузатув кенгаши томонидан жамият бошқарувининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, унинг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд жамият ижроия органининг раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

III. ЖАМИЯТ ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Жамият бошқаруви ваколатига жамиятнинг жорий фаолияти раҳбарлигининг барча масалалари киради, акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгашнинг ваколатига кирган масалалар бундан мустасно.

3.3. Жамият бошқаруви Жамият Уставида, акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларида, Кузатув кенгаши қарорларида, у билан тузилган меҳнат шартномасида ва қонунчилик билан белгиланган ваколатлари доирасида иш тутади.

3.4. Жамият бошқаруви қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, давлат муассасаларида, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ташкилот ва корхоналарда жамият манфаатларини ифодалаш;

- жамиятнинг банк ва бошқа молиявий ҳужжатларига биринчи имзолаш ҳуқуқи билан банкларда ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа ҳисобварақлар очиш;

- жамиятнинг мижозлари, шунингдек, бошқа ташкилот ва корхоналар билан битимлар ва шартномалар тузиш;

- жамият номидан ҳужжатларни имзолаш;

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг мол-мулки ва маблағларини тасарруф этиш;

- ходимларнинг штат жадвалини белгилаш ва тасдиқлаш;

- ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, меҳнат ва ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигига ва меъёрий ҳужжатларига мувофиқ жамият ходимларига иш ҳақини (барча турдаги устамалар ва меҳнати билан иштирок этиш коэффицентлари) белгилаш;

- жамиятнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни ва жамият ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

- жамият номидан ишончномалар бериш;

- жамият таркибига кирувчи корхоналарнинг бошқарув органларида унинг вакилларини жамият номидан овоз бериш бўйича кўрсатма бериш;

- жамият хўжалик таваккалчилигини ва жамият бошқарувининг жавобгарлигини суғурталашни амалга ошириш;

- жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

- жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгашининг ваколатига кирувчи ички меъёрий ҳужжатлар бундан мустасно;

- қонунчиликда, жамият уставида ва меҳнат шартномасига мувофиқ бошқа ҳуқуқларларни амалга ошириш.

3.5. Жамият бошқарувининг мажбуриятлари:

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

- жамият бошқаруви ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиш;

- давлат муассасаларида, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ташкилот ва корхоналарда жамият манфаатларини ифодалаш;

- давлат ва жамият учун муҳим бўлган ахборот ва масалаларни ўз расмий ижтимоий саҳифаларида ошкор қилиш;

- жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

- жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш, уни ишончлигилигини таъминлаш, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида белгиланган тартибда тақдим этиш;

- ҳар чоракида йиллик бизнес-режанинг бажарилиши, жамият томонидан амалга оширилган харидлар тўғрисидаги ҳисоботи тўғрисида Кузатув кенгашига ҳисобот бериш;

- жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар жамиятнинг Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси) ёки жамият аудитори талабига кўра тўсиқларсиз белгиланган тартибда тақдим этиш;

- жамият ходимлари томонидан хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақланишини таъминлаш, шунингдек тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхатини Кузатув кенгаши томонидан белгилашни ташкиллаштириш;

- жамиятни ихтисослашган ходимлар билан таъминлаш, шунингдек ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш;

- ўзининг ҳамда жамият мансабдор шахсларининг ўқув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали малакасини оширишни таъминлаш;

- меҳнат ва ички тартиб интизомига риоя қилиниши таъминлаш;

- ижтимоий қафолатларга риоя қилинишини ва жамият ходимларининг меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлаш;

- жамоа музокараларида ижроия органи вакилларининг иштирокини таъминлаш, жамоа шартномалари ва битимлар тузилишида иш берувчи сифатида қатнашиш, жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш;

- ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йиғилишига (ягона акциядорга) ва жамиятнинг Кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

- агар, жамият томонидан битим тузилишида у аффилиланган шахс ҳисобланган тақдирда, кузатув кенгашини хабардор қилиш (олдиндан келишилган шартларга асосан тузилаётган битимлар бундан мустасно);

- жамият мулкани бегоналаштиришни, уни сотиш шакли ва механизмини, жамият таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларини (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда олдиндан кузатув кенгаши билан келишиш;

- жамият асосий фаолиятига хос бўлган янги қўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, жамият асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланишни фақат кузатув кенгашининг тегишли қарори қабул қилинганда амалга ошириш;

- устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган жамиятлар қўчмас мулклари, автотототранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини “E-auktion” электрон савдо платформасидаги ижарага берилишини таъминлаш (тизим корхоналар-ижарачилар бундан мустасно);

- ички ҳужжатларга, амалдаги қонун ҳужжатларига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажариш.

3.6. Жамият бошқарувининг аниқ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари у билан келишилган ҳолда меҳнат шартномасида белгиланади.

3.7. Жамият бошқаруви вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

IV. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Жамият бошқаруви ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим ҳамда белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади.

Агар ушбу банд қоидаларига мувофиқ бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

4.2. Жамият бошқаруви ўз вазифасини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги, натижасида жамиятига етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва жамият Уставига мувофиқ жамиятга етказилган зарарни қоплаш бўйича тўлиқ ҳажмида жамият олдида жавоб беради.

4.3. Жамият ёки жамиятнинг жойлаштирилган оддий акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизга эга бўлган акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида жамият бошқарувига нисбатан даъво билан судга мурожаат этишга ҳақлидир.

V. Яқунловчи қоидалар

5.1. Мазкур Низом, шу жумладан мазкур Низомнинг 1-5 иловалари Жамият ягона акцидори томонидан тасдиқланган санадан эътиборан кучга киради.

5.2. Ушбу Низом, шунингдек, унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Жамият ягона акциядор томонидан тасдиқланади. Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифлар Жамият ягона акциядор, Кузатув кенгаши ва бошқаруви томонидан киритилиши мумкин.

5.3. Ушбу Низом тасдиқланган санадан бошлаб, Жамият ягона акциядор томонидан 2016 йил 30 июлдаги 2-2016-сонли мажлис қарори билан тасдиқланган Жамиятининг бошқаруви тўғрисидаги Низоми ўз кучини йўқотади.

